



ДАВЛАТ ТОМОНИДАН САНОАТ СЕКТОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Равшанқулов Давронбек Мирбек ўғли

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

E-mail: tamerlanjanb@gmail.com

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7918238>

ARTICLE INFO

Received: 30th April 2023

Accepted: 09th May 2023

Online: 10th May 2023

KEY WORDS

Инновацион иқтисодиёт,
экспорт, машина ва асбоб
ускуналар, юқори
технологияли саноат
тармоғи, технологик
инновация, модернизация,
фан-техника, хориж
тажрибаси.

ABSTRACT

Мақолада ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ривожланишининг замонавий босқичида саноат мажмуаси рақобатбардошлигини оширишнинг энг муҳим омили бўлиб инновацион фаолият ҳисобланишига урғу берилган. Илмий технологик ривожланиш даражаси эса ўз навбатида иқтисодий ўсиш учун асос бўлиб ҳисобланиши таъкидланган. Ривожланган иқтисодиётга эга ҳар бир давлат миллий саноат мажмуасини ривожлантириш лойиҳасини қўллаб қувватлашда инновацион юқори технологик маҳсулотларни ривожлантиришга эътибор қаратилишига урғу берилган. АҚШ, Германия, Япония, Жанубий Корея ва Финляндиянинг саноат тармоғини ривожлантириш бўйича тажрибасига бирма-бир тўхталган. Хулосада, бизнинг минтақада саноатни инновацион ривожлантириш бўйича хориж тажрибаси асосида тавсиялар берилган.

Кириш.

Ҳозирги кунда саноат жиҳатидан ривожланган давлатларда Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсишининг 80-95% техника ва технологияларда мужассамлаштирилган янги билимлар ҳиссасига тўғри келмоқда. “Янги иқтисодиётнинг” жадал ривожланиши, капитал ва ‘янги технологиялар бозорлари ўртасида ўзаро боғлиқлик, билим-лар, технологиялар ва хизматларнинг кенг миқёсларда яратилиши минтақанинг инновацион ривожланишига асос бўлади¹.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра кенг инновацион фаоллик йирик бизнес томо-нидан амалга оширилади. Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатларида йирик корхоналарнинг 80 % ва кичик корхоналарнинг фақат учдан бир қисмигина инновацион фаол ҳисобланади. Тадқиқот ва ишланмалар учун ЕИда - 56%, АҚШда -

¹ Қодиров А.М., Ғуломов Г.П., Аҳмедиева А.Т., Алимова Н.Р. Миллий иқтисодиётни модерни-зациялаш шароитида саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш. Монография.-Т.: “Iqtisodiyot”, 2013. - 436 б. 9 б.



63%, Японияда - 74% ҳукумат томонидан ички харажатлар ҳисобига таъминланади. Ривожлан-ган мамлакатларда технологик инновацияларни амалга ошираётган саноат корхоналарини жами саноат корхоналардаги улуши 43,7 % дан 69,7% гачани ташкил этмоқда. Шу сабабли минтақа саноатини ривожлантиришда инновацион фао-лиятни рағбатлантириш бўйича жаҳон тажриба-сини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотда қўлланилган методлар. Мақолани ёзиш жараёнида ривожланган мамлакатларнинг инновацион ривожланиш-нинг назарий ва амалий жиҳатлари таққосланди, шунингдек, очиқ статистика маълумотларини таҳлил қилиш асосида тақлиф ва тавсиялар берилди. Умумий илмий-тадқиқот усуллари қўлланилди.

Илмий моҳияти.

Сўнгги йилларда назария ва амалиётда минтақанинг инновацион ривожланишида “Уч спирал” (Triple Helix) модели кенг маънода фой-даланилган бўлиб, ушбу назария Стенфорд уни-верситети профессори америкалик олим Генри Ицковий томонидан тақлиф этилган. У инновацион тизимнинг асоси сифатида университетлар, корхоналар ва давлат ўртасидаги ўзаро таъсир-ларга урғу беради. Шунингдек, минтақа сано-атини инновацион ривожланишида универси-тетларнинг роли етакчилардан биридир деб ҳисоблайди. Бунда “Уч спирал” модели ўзини таркибига қуйидаги асосларни олади:

1. Илмга асосланган жамиятда саноат ва ҳукумат билан университетларнинг ўзаро муно-сабатларида уларнинг вазифасини кучайтириш.
2. Университет-бизнес-ҳукумат. Бу учликни ўзаро ҳамкорлигига ҳаракат қилиш ҳамда инно-вацион ривожланиш давлатнинг хоҳиш иродасига кўра эмас, балки уч институтнинг ўзаро хоҳишига кўра амалга оширилади.
3. Анъанавий вазифаларга қўшимча равишда уч институтнинг ҳар бири маълум бир маънода бир бирининг вазифаларини ҳам бажаради.

Мазкур изланишнинг илмий моҳияти, юқорида келтирилган назарияга асосланган ҳолда ривож-ланган давлатлар тажрибаси асосида республика саноатида инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун зарурий тадбирлар мажмуини аниқлаш ва бу борада эришилган натижаларни ёритилиши мақсад қилиб қўйилган.

Асосий қисм.

АҚШ кўп йиллар давомида саноат ва инновацион тараққиётнинг жаҳондаги етакчиси ҳисобланиб келган. 1970 йилларда мамлакатда янги ғоя ва технологияларни тарқатишнинг ахборот механизми ишлаб чиқарилган. Бу фаолият илмий-техник ахборот ва федерал лаборатори-ялар консорциумининг миллий маркази томо-нидан амалга оширилган эди. Унда барча давлат муассасаларининг илмий тадқиқот натижалари бўйича маълумотлар йиғилган. Ушбу марказга 300 дан ортиқ федерал илмий марказлар кирган².

“Уч спирал” асосида минтақани инновацион ривожлантиришда ҳам АҚШ етакчи ҳисобланади. Айниқса, Массачусетс технология универси-тети бу борада етакчидир.

² Промышленная политика и поддержка экспорта в США [Электронный ресурс]. – Режим доступа: [http:// www.nc cg.ru/site.xp/049054057055124.html](http://www.nc cg.ru/site.xp/049054057055124.html)



“Уч спирал”ни АҚШда яхши ривожланишида 1980 йилда Бея Доул (Bayh –Dole Act) акти деб номланган патент ва савдо белгилари бўйича қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши муҳим аҳамият касб этди. Ушбу акт бир ҳудуд доирасида университетлар, кичик бизнес субъектлари ва нотижорат ташкилотларини давлат бюджетидан молиялаштириладиган кашфиётларни бошқариш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни бўйнига олиш имкониятини берди. Бунинг ҳисобига университетларга қуйидаги мажбуриятлар юкланган эди:

-грантлар ҳисобига молиялаштирилган тадқиқотлар бўйича амалга оширилган ҳар қандай грантлар бўйича давлатга маълумот бериб бориш;

– кашфиётнинг номини аниқлаш;

– кашфиётларни патентлаштириш;

– ишланмаларни молиялаштирувчи ташкилотлар бўйича маълумот бериш;

– технологияларни тижоратлаштириш бўйича фаол сиёсат олиб бориш;

– давлат ташкилотларидан рухсатсиз учинчи шахсларга кашфиётлардан фойдаланиш ҳуқуқини бермаслик;

– кашфиётларни биринчи ўринда саноат ва кичик бизнесга сотиш.

АҚШ тажрибасидан шуни кўриш мумкинки, минтақа саноатини инновацион ривожланиши учун давлатнинг қўллаб қувватлаши асносида инновацион маҳсулотларнинг тижоратлашуви механизмини яхши йўлга қўйилгани ҳамда давлат тизимидан етакчи технологияларни хусусий секторга иккиламчи фойдаланиш ва тарқатиш учун берилишига алоҳида эътибор қаратилиши энг асосий қадамлардан эди.

Саноат секторини ривожлантиришда амалга оширилган сиёсат Германияни нафақат Европанинг эмас, балки бутун бир дунёда иқтисодий тараққиётнинг етакчисига айлантирди. Илмий тадқиқот ва инновацион тараққиёт Германиянинг саноат мажмуаси учун муҳим вазифани амалга оширди. Немис корхоналари учун янги ёки яхшироқ ишлаб чиқариш воситалари ва технологиялари, хом-ашё материаллари ва дастурий таъминотни кенг доирада ва тезда тадбиқ этиш асосий мақсад этиб белгиланган эди. 20 аср-нинг 80 йилларида Германияда илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантиришда асосий эътибор минтақалардаги йирик саноатга қаратилди³. Бу йўналиш учун молиялаштириш жами тадқиқот ва тараққиёт харажатларини 2/3 қисмини ташкил этди.

2006 йилда Германияда Инновацион ва технологик тараққиёт Стратегияси қабул қилинди. Стратегияда миллий инновацион соҳасидаги хатти-ҳаракатларнинг асосий йўналишлари ҳамда уларни амалга ошириш инструментлари минтақавий нуқтаи назардан аниқ ифодадан-ган эди. Ушбу ҳужжат Германияни жаҳонда илм фанни ривожланишини ҳисобга олган ҳолда технологик соҳадаги янги йўналишларини белгилаб берди. Стратегияда миллий хўжалик учун устунликка эга бўлган 17 та етакчи тармоқлар аниқланди. Улар учун узоқ муддатли тараққиёт дастури ишлаб чиқилди.

Германияда давлат томонидан илмий тадқиқот ишларини молиялаштиришни қўлга киритган муассасалар қуйидагиларни амалга ошириши мажбурий эди:

³ Гертц, Р. Инновационная политика предполагает инновационное предпринимательство [Текст] / Р. Гертц // «Элемент». – 2010. – № 2. – С. 62-71.



- тадқиқотларни амалда қўллаш мумкин бўлган иқтисодий натижаларгача етказиш;
- илмий тадқиқот ишлари натижаларини патентлаштириш;
- инвесторларни молиявий фойда олишда имкониятларини кенгайтириш;
- лойиҳа натижаларини иқтисодиётга икки йил давомида татбиқ этиш (акс ҳолда унга бўлган ҳуқуқни йўқотади).

Ҳар қандай мамлакатда саноатни инновацион моделини ривожлантиришнинг асосий мақсади иш ўринларини кўпайтириш ҳамда аҳолини турмуш фаровонлигини ошириш ҳисобланади. Германия ҳудудларидаги йирик корхоналарнинг саноатни инновацион моделини ривожлантириш йўналишдаги сиёсати жуда самарали бўлган. Агар йирик корхона инновацион лойиҳани амалга оширмоқчи бўлса, корхона ўз таркибидан инновацион гуруҳни ажратиб олади ва кичик кор-хона ташкил этади. Бу корхона мураккаб маъму-рий тўсиқлардан ҳоли ҳолда фаолият кўрсатади, бу эса бошқарув қарорларини оператив ҳолатда қабул қилиш имконини беради. Сўнгра йирик корхона кичик корхонанинг фаолият натижала-ридан фойдаланиши рақобатбардошликни ошириш имконини беради. Бунга мисол қилиб “Мерседес” компаниясини келтириш мумкин.

Японияда саноат тармоғини ривожлантириш сиёсатида давлат алоҳида ўрин эгаллади. Давлат саноат таркибига чегараланган ҳолда таъсир ўтказиб, қуйидаги чораларни ўз ичига олди: қўйилмаларни рағбатлантириш, хорижий рақобатдан саноатни ҳимоя қилиш, экспортни рағбатлантириш. Ушбу чоралар фақатгина махсус корхоналар ёки бир йўналишдаги корхоналар учунгина эмас, балки саноатни барча тармоқлари фаолияти учун тааллуқли ҳисобланган.

Япония иқтисодиётида саноатлаштириш сиёсатига давлат фаол равишда аралашгани билан алоҳида ажралиб туради. Японияда хусусий ва нодавлат сектори устун мавқега эга. Япония саноат сиёсатини амалга оширишда қуйидаги ишларни амалга оширди:

- экспорт сиёсатига жавоб берувчи барча ҳукумат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи экспорт кенгаши тузилди;
- хорижий давлатларда япон савдосини тарғиб қилувчи реклама марказлари очилди;
- ишлаб чиқариш жараёнини ўзини гаровга қўйиб, экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни экспорт қилиш жараёни олдида қисқа муддатли кредитлар билан таъминлади;
- экспортдан тушган даромад солиқларига чегирмалар тизими жорий қилинди.

Японияда минтақавий жиҳатдан саноатни инновацион ривожланишида ҳукумат ташаббуси билан технопаркларнинг шаклланиши муҳим қадамлардан бири эди⁴. 1980 йилларда япон ҳукумати технополисларни ташкил этиш бўйича кенг қамровли дастурларни амалга оширишга киришди. Ишлаб чиқилган “Технополис” дастурига мувофиқ, технополис номини олган 20 та илмий техник зоналар алоҳида иқтисодий ривожланишда орқада қолган туманларда таш-кил этилди.

⁴ Особенности функционирования высокотехнологичных кластеров в Китае и Японии А.А. Лавров [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://sun.tsu.ru/mminfo/000063105/329/image/329-182.pdf>



Хулоса.

Юқоридаги кўпгина давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, минтақа саноатини инновацион ривожлантиришнинг энг самарали усулларида бири кластерлашдир. Аммо кластерларни ташкил этиш, ривожлантириш ва рағбатлантиришнинг ягона механизми мавжуд эмасдир⁵. Ушбу ёндашувга асосланган ҳолда минтақа иқтисодиётини модернизациялаш учун замонавий иқтисодий-ижтимоий шароитда саноат комплекслари вакиллари ташаббусларини қўллаб қувватлашни таъминловчи кластер сиёсатининг асосли дастурини ишлаб чиқиш лозим. Кластерларни ривожланишини қўллаб қувватлашда амалга ошиши мумкин бўлган қуйидаги йўналишларни белгилаш мумкин:

References:

1. Қодиров А.М., Ғуломов Г.П., Аҳмедиева А.Т., Алимова Н.Р. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш. Монография.-Т.: "Iqtisodiyot", 2013.-436 б.
2. Промышленная политика и поддержка экспорта в США [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.nc cg.ru/site.xp/049054057055124. html>
3. Гертц, Р. Инновационная политика предполагает инновационное предпринимательство [Текст] / Р. Гертц // «Элемент». – 2010. – № 2. – С. 62-71.
4. Особенности функционирования высокотехнологичных кластеров в Китае и Японии А.А. Лавров [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://sun.tsu.ru/mminfo/000063105/329/ image/329-182.pdf>
5. Bergman, E.M. National industry cluster emplates: a framework for applied regional cluster analysis [Text] / E.M. Bergman, E.J. Feser // Regional Studies. – 2000. – № 34 (1). – P. 1-19.

⁵ Bergman, E.M. National industry cluster emplates: a framework for applied regional cluster analysis [Text] / E.M. Bergman, E.J. Feser // Regional Studies. – 2000. – № 34 (1). – P. 1-19.